# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

• № 52 (10.629).

1994 йил 20 июль чоршанба

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


# ҲАЛОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛСИН

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Аввало, фурсатдан фойдаланиб, сиз, депутатларга ва сизнинг сиймонгизда пойтахтимиз — Тошкентнинг барча фаолларига ва меҳнаткашларига юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Ҳаётимиздаги ўзгаришлар, ютуқларимиз, шу билан бирга, катта-катта муаммоларимиз, ташқи ва ички сиёсатимизнинг одимларидан хабардорсиз, албатта. Мамлакатимиз меҳнаткашлари келажакларини, тақдирларини ўз қўллари билан бунёд этмоқдалар. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан буён ўтган давр нисбатан қисқа бўлса-да, халқимиз ва давлатимиз тарихида ғоят катта ишлар юз берди. Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда, кўп асрлик бекиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг яна қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. Миллий ғуруримиз, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда.

Ўзбекистон ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаб, ўз ҳаётини қураяпти. Биз жаҳондаги тараққий этган мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини диққат билан ўргандик ва ўрганиб бораётирмиз. Улардан халқимиз руҳияти, табиатига мос келадиганларини танлаб олиб, фойдаланяпмиз. Шу билан бирга ўз тарихимизни жиддий ва синчиклаб таҳлил қилмоқдамиз.

Ўрта асрларда ўлкамизда шаклланган бозор муносабатларининг андозаси ўз даврида Европа мамлакатлари тараққиётига улкан таъсир кўрсатгани тарихдан маълум. Шу боисдан ўз ривожланиш йўлимизни аждодларимизнинг турмуш тарзи ва ҳозирги пешқадам давлатларнинг иқтисодиётда эришган ютуқлари асосида белгиламоқдамиз. Биз ишлаб чиққан иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлининг беш тамойили ана шу тажрибаларга асосланади. Яна такрорлайман: муҳими, биз турмуш тарзимизни ўзгартирувчи ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз, босқичма-босқич, меҳнаткашлар манфаатини муҳофаза қилган ҳолда, тадрижий — эволюцион равишда амалга оширaётирмиз.

Хўш, танлаб олинган йўлнинг дастлабки босқичида қандай натижаларга эришилди?

Мен бугун тўла ишонч билан айта оламанки, мазкур қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши минтақада барқарорликни, жамиятда осойишталикни, фуқаролар тотувлигини сақлаб қолишга имкон берди. Тотувлик бор жойда эса баракали ва самарали меҳнатга пухта замин бўлади.

Ижтимоий муносабатларда жамиятимиз учун мутлақо янги бўлган асослар яратилмоқда. Давлат бошқаруви, иқтисод қонунлари ўзгаряпти. Хусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли, дунё сари очиқ юз тутган иқтисодиёт пайдо бўлаётир. Жаҳондаги энг илғор тажрибаларга таянган ҳолда, бозор иқтисодиётига хос янги молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этилаяпти. Шуниси қувончлики, қўшни мамлакатлар бизнинг бу тажрибамиздан фойдаланмоқда. Куни кеча Қирғизистонда "Ўзбекистон —бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" китобининг чоп этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун биз тарихий воқеани бошдан кечирмоқдамиз. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб мамлакатимизда миллий валюта — сўм муомалага киритилди. Сўмни муомалага киритиш юзасидан чиқарилган фармон ва қарорларнинг энг муҳим жиҳати шундаки, уларда серфарзанд оилалар, нафақахўрлар, қаровчиси йўқ кишиларни ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилган.

Халқимиз сўм-купоннинг 1 августга қадар янги пул билан баравар муомалада юришини давлатнинг яна бир ғамхўрлиги сифатида мамнуният билан қабул қилди.

Миллий пулга эга бўлиш ҳам бир саодат. Энди ҳамма гап — ана шу саодатнинг қадрига етишда. Тўғри, пулнинг қадр-қиммати унинг тайёр маҳсулот, олтин заҳираси билан қай даражада таъминлангани ва яна бир қанча мезонлар орқали белгиланади. Аммо унинг нуфузини кўтарадиган яна бир муҳим омил борки, бу — биз ўз пулимизни мустақиллигимиз белгиларидан бири сифатида асраб-авайлашимиз, унинг куч-қудрати, қадри баланд бўлиши йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз лозимлигидир. Зеро, миллий пулимиз — миллий ғуруримиз демакдир. Мен бугунги учрашувдан фойдаланиб эътиборингизни яна муҳим бир масалага жалб қилмоқчиман. Албатта, ҳар қайси одам, фуқаро бозорга, магазинга чиққанда қўлида, чўнтагида бўлган пулнинг харид имконияти кучли, қиймати баланд, бақувват бўлишини истайди. Шу мақсадга эришиш учун республикамизда бугунги кунда миллий валютани муомалага киритиш билан бирга қуйидаги муҳим дастурларни амалга оширишимиз зарур:

1. Ички бозоримизни истеъмол моллари билан тўлдириш.

2. Давлат харажатларини кескин қисқартириш, қатъий молия, банк-кредит сиёсатини ўтказиш.

3. Экспорт имкониятларини кескин кучайтириш. Шу йўл билан чет мамлакатлардан, аввало, эркин валюта олиб келиш. Чунки биз четдан маҳсулотни ана шу давлатларнинг пулига харид қиламиз. Яъни четга қанча кўп маҳсулот чиқарсак, шунча ўзимизга керакли мол, асбоб-ускуналар сотиб олишимиз мумкин.

4. Республикада пул эмиссиясига, яъни мол билан таъминланмаган ортиқча пул муомалада бўлишига йўл қўймаслик. Аҳолига берилган пулни товарлар сотиш, хизматлар кўрсатиш орқали, уларнинг эҳтиёж ва талабини қондириш билан давлат хазинасига қайтариш.

Пул муомаласини барқарорлаштириш ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатдаги энг муҳим масала — пулимизни ички конвертация қилиш, содда тил билан айтганда, миллий пулимизни эркин валютага (доллар, марка, иен ва ҳоказо) алмаштиришга эришиш. Бу борада алмашиш курсини марказий банкда ўтказилаётган биржаларда аниқланаётган даражада ташкил этиш, яъни эркин бозорнинг асосий талабларини қондириш, шу орқали дунё бозори таркибига кириш мақсади қўйиляпти. Айтмоқчиманки, бугунги кунда шу тадбирларни амалга ошириш учун катта ва пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Бундай муҳим вазифаларни бажариш халқимиздан кўп синовларни бошдан кечиришни, ишимизда **ҳалоллик ва фидойилик** бўлишини талаб қилади.

Ўзбекистон собиқ СССР парчаланганидан кейин мустақилликни осонгина қўлга киритди, деганлар қаттиқ янглишади. Озодлик, эркинлик шундай буюк неъматки, уни биров ҳадя қилолма ди.

Озодликка фақат курашиб эришилади. Бино тепасига ўз байроғимизни тикиб, биз — мустақилмиз дейиш, ўта соддаликдир. **Сиёсий мустақиллик пухта ва мустаҳкам иқтисодий заминга эга бўлмаса, у ҳали тўла мустақиллик дегани эмас. Том маънода мустақил бўлиш учун давлатимизнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашимиз зарур.**

Яна бир ҳақиқатни такрорлаб ўтишга тўғри келади: **мустақиллик, танланган истиқлол йўли, авваламбор, ҳар қайси инсон, фуқаро, бутун жамият келажаги учун муносиб ҳаёт, фаровонлик, барқарорлик бахш этган тақдирдагина халқимиз учун маъқул бўлиши муқаррардир.**

Азиз биродарлар!

Тошкент шаҳрининг Ўзбекистондаги мавқеи ва аҳамияти ҳаммамизга аён. У мустақил давлатимизнинг пойтахти, йирик илмий ва маданий марказигина бўлиб қолмасдан, таъбир жоиз бўлса, унинг юраги ҳамдир. Шу сабабли, Тошкентдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликка, ишларнинг аҳволига қараб бутун республикамиздаги вазият ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Юрак соғлом экан, мамлакатимиз ҳам тез ўсиб улғаяди, тараққиёт йўлидан дадил олға бораверади.

**(Давоми 2-бетда).**

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 июль куни Германия Федератив Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги расмий делегацияси раҳбари, парламент давлат котиби Ганс Петер Репникни ҳамда Германиядаги Аденауэр фонди бошқарув раиси доктор Герд Лангутни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон ва Германия ўртасида тобора кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқалари тўғрисида сўзлар экан, ўзбек мутахассисларининг Германияда ўқиб, тажриба орттириб қайтишида Аденауэр фонди катта ёрдам бераётганини алоҳида таъкидлади.

— Биз Германия билан нафақат иқтисодий, балки маданий, маънавий ва сиёсий соҳаларда ҳам яқин ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоримиз, - деди мамлакатимиз раҳбари.

Меҳмонлар республикамиз Президентига Германия ҳукумат раҳбарларининг қизғин саломини етказдилар. Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда миллий валютага ўтиш жараёнининг бориши, Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорлиги истиқболлари тўғрисидаги ва бошқа кўпгина масалалар юзасидан фикрлашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов, Ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, республика Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов қатнашди.

Учрашувда Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна ҳозир бўлди.

(ЎзА).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

**Р. Р. Юнусовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида.**

Рустам Расулович Юнусов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 июль

*• Ғалла ўрими кундалиги*

# МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

ҒАЛЛА ўрим-йиғими ишлари ҳал қилувчи паллага кирди. Ҳар бир дамни ғанимат билаётган, далалардаги қолган ҳосилни сўнгги ғрамигача сира нобуд қилмай, ўрим-янчиб олишга астойдил бел боғлаган азамат ғаллакорларимиз биринкетин ғалаба манзилига етиб келмоқдалар. Бу умумий сафарбарликка, ўрим суръатининг ошишига имкон яратяпти, давлат омборларига келиб тушаётган ғалла миқдори кундан-кун ошиб боряпти. Ғалла ўримини тезроқ туғаллаш, давлатга дон топшириш режасини барвақт бажариб, республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги байрамига муносиб меҳнат совғалари билан бориш шу куннинг энг муҳим вазифасидир. Бу айни вақтда ғаллакорларимизнинг кўнгил ҳоҳиши, юрак амри ҳамдир. Куни кеча Паркент тумани ғаллакорлари катта ютуқни қўлга киритдилар. Давлат омборларига 5600 тонна ўрнига 5630 тоннадан зиёд сара дон етказиб берилиб, бу борадаги йиллик режа ошириб бажарилди. Бу ютуққа мавсум бошидан бошлаб ғаллазорларда меҳнат беллашувининг авж олдирилгани, сафарбарлик ва ташкилотчилик тўғри йўлга қўйилганлиги ва авваламбор, далада ишлаётганлар учун зарур барча шарт-шароитлар яратиб берилгани туфайли эришилди.

Туман хўжаликларида ғалла ҳосилдорлиги чакки бўлмади. Мўл ҳосил етиштирилган лалми ерларнинг ҳар гектаридан 15 центнердан, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 22 центнердан ошириб хирмон уйилмоқда. Туманда ҳали ўроқ тушмаган майдонлар бор. Ҳозиргача фақат 7510 гектар ердаги ғалла ўриб-янчиб олинди. Бу жами ғалла майдонларнинг 38 фоизини ташкил этади.

* * *

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ энг йирик ғаллакор районларидан бири ҳисобланган Қуйи Чирчиқ тумани миришкорлари ҳам кўзланган маррага етиш арафасида турибдилар. Туманда ҳозиргача давлатга дон топшириш йиллик режаларини аллақачон ўринлатиб қўйган хўжаликлар анчагина. "Гулистон", "Дўстлик" ва "Ўзбекистон" хўжаликлари ана шундай пешқадам жамоалар жумласидандир. Гулистонликлар 350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,5 центнердан, "Дўстлик" жамоаси ғаллакорлари 310 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан дон хирмони уйиб, туманда энг юқори ҳосилдорликка эришдилар. Шу ўринда "Ўзбекистон" хўжалигининг қўшаётган ҳиссаси алоҳида салмоққа эга. Хўжаликда ҳозиргача 1220 гектар майдондаги ғалланинг 702 гектаридаги ҳосил ўриб-янчиб олинди. Ҳар гектар ердан олинаётган ҳосил ўртача 33,8 центнерни ташкил этмоқда.

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.**

# БУЮК БАЙРАМ ТАРАДДУДИДА

Республикамиз меҳнаткашлари, бутун халқимиз мустақиллигимизнинг уч йиллигини муносиб кутиб олиш ишларини аллақачон бошлаб юборган. Зотан, бу байрам мамлакатимиздаги барча байрамларнинг асосийси, бошқача айтганда, бош байрамимиздир. Мазкур байрамни ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, меҳнат совғалари тайёрлаш юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг асл нияти, шарафли бурчи бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам республика Вазирлар Маҳкамаси мустақиллик байрамини кенг нишонлашга доир махсус қарор қабул қилди. Шу қарорга биноан байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилган эди. 16 июль куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу ташкилий қўмитанинг биринчи йиғилиши бўлди. Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков қисқача кириш сўзи билан очди.

— Республикамизда тарихан қисқа, мустақилликка эришгандан буён ўтган салкам 3 йил мобайнида ғоят улкан ўзгаришлар рўй берди, — деди И. Жўрабеков. — Иқтисодий ислоҳотлар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқонларга ер бериш ва бошқа соҳалардаги тарихий ўзгаришларни эслатиш кифоядир. Шу давр ичида юртимиз жаҳонга юз тутди. Бугун ўлкамизда ўнлаб хорижий давлатлар билан ҳамкорликда очилган юзлаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Яқиндагина эса мустақиллигимизнинг асосий белгиларидан бири бўлган миллий валютамиз – сўм муомалага киритилди. Буларнинг ҳаммаси Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг амалий самараларидир.

Йиғилишда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг дастури лойиҳаси муҳокама қилинди ҳамда тасдиқланди. Мустақиллигимизнинг 3 йиллигига қадар қуриб битказилиши лозим бўлган объектлар кўриб чиқилди. Шунингдек, байрамнинг маданий тадбирлари хусусида ҳам фикр юритилди. Бу йил байрамни ўзига хос тарзда нишонлаш, ўтган йилдаги байрамлар тадбирларини иложи борича такрорламаслик ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда туманлар марказларида, шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда байрамга тайёргарлик ишларини кучайтириш ва бош байрамимизни муносиб кутиб олишнинг аниқ чора-тадбирлари белгилаб олинди. Матбуотда, радио ва телевидениеда мустақиллигимизнинг тарихий аҳамиятини очиб берадиган, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда кўмак берадиган чиқишлар, кўрсатув ва эшиттиришлар уюштириш, танловлар эълон қилиш лозимлиги таъкидланди. Шу билан бирга олимлар, ижодкор зиёлилар хўжалик ва корхоналарда, маҳалла ва қишлоқларда аҳолининг турли қатлами билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Республика Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров, Бош Вазир ўринбосарлари М. Қорабоев, М. Усмонов иштирок этди.

(ЎзА)

*Халқаро ҳамкорлик*

# Танишинг: Аденауэр фонди !

18июль куни пойтахтимизнинг "Халқлар Дўстлиги" саройида Конрад Аденауэр Фондини (ГФР) таништириш маросими бўлди. Ушбу тадбир фонднинг Марказий Осиё мамлакатлари — Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда фаолият бошлаши муносабати билан ташкил этилди. Тантанали очилиш маросимида фонд бошқаруви раиси доктор Герд Лангут, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, ГФРнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна табрик нутқи сўзладилар. Нотиқлар Президент Ислом Каримовнинг 1993 йилнинг апрель ойидаги Германияга сафари Ўзбекистон-Германия ҳамкорлик алоқаларига катта куч бағишлаганини қайд этдилар. Жумладан, ана шу ташриф чоғида Ўзбекистон билан Аденауэр фонди ўртасидаги муносабатларнинг илк пойдевори қўйилгани алоҳида таъкидланди. Келгусида ўзаро ҳамкорликнинг давомий ва самарали бўлишига ишонч билдирилди.

Анжуманда ГФР иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги давлат котиби Ганс Петер Репник, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Тўхтапўлат Рисқиев маъруза қилдилар. Конрад Аденауэр фондининг Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларидаги мухтор вакили Вольфганг Шрайбер Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан тайёрланаётган лойиҳалар тўғрисида ахборот берди.

(ЎзА)

# БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

*Германия Федератив Республикаси парламенти давлат котиби Ганс Петер Репник бошчилигидаги иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт федерал вазирлиги расмий делегацияси аъзолари 18 июль куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ўткир Султонов билан учрашди.*

*Ўзаро ҳамкорликнинг аниқ дастури ҳамда маҳсулот сотиб олишда ёрдам кўрсатиш борасида Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикалари ўртасида молиявий ҳамкорлик ҳақидаги битимлар имзоланди.*

(ЎзА).

# ҲИСОБ-КИТОБ ВА РЕЖА БЎЛГАНИ ЯХШИ

Ҳа, ажойиб бир даврда яшамоқдамиз. Бутун жумҳуриятимиз аҳли мустақиллигимизнинг уч йиллигини муносиб нишонлашга тараддуд кўрмоқда. Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятига биз фермерлар ҳам баҳоли-қудрат муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Зотан, Президентимиз ва ҳукуматимиз фармонлари ҳамда қарорлари тадбиркорликни, ишбилармонликни ривожлантиришга катта йўл очиб берди.

Бироқ, мени бир муаммо қийнаб келмоқда. Бундоқ ўйлаб қарасам, фермерлар етиштирган маҳсулотлар — сабзавот, полиз неъматлари, чорва маҳсулотлари бирон-бир ерда давлат идоралари томонидан маълумотларда ёхуд режаларда қайд этилмайди. Нега энди шундай?! Ахир биз етиштирган маҳсулотларимизни бозорларда ёки хос дўконларимизда аҳолига сотамизку.

Мутасадди ташкилотлар ҳосил етилиши арафасида бизнинг корхоналаримизга келиб ёки далаларимизга ташриф буюриб, товарлар ҳажмини, ҳосил миқдорини аниқласалар, бизнинг ҳисоб-китобларимизни инобатга олсалар, улар тегишли маълумотномаларда қайд этилса, айни муддао бўлар эди.

Чунки, шунга яраша солиқ тўлаймиз, ўзаро ҳисоб-китоб қиламиз. Яна бир гап. Айрим калта ўйлайдиган ижарачилар етиштирган маҳсулотларини ўзларининг ҳужжатларида камроқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Шу тариқа улар, гўё ўзларича, кам солиқ тўлайдилар. Бу — давлат хазинасига зарар етказиш эмасми?

*• Фермер муаммо кўтаради*

Президентимиз И. А. Каримов яқинда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида жуда катта муаммоларни ўртага ташлади. Президентимиз нутқи шахсан мени ҳаққонийлиги билан жуда тўлқинлантириб юборди.

Ҳа, маълумки, бир қанча вақт муқаддам вилоят ҳокимимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳри билан Тошкент вилояти ўртасидаги алоқаларни ва ҳамкорликни янги поғонага кўтариш юзасидан савобли ишлар бошланган эди. Бунинг якуни ўлароқ, икки ўртада ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди. Ана шу битим юзасидан бизлар ҳам анчагина тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани аҳолисига бир қадар арзон баҳода бир неча тонна гўшт сотилди. Яқин кунлар ичида парранда гўшти билан савдо қиладиган дўконимиз ҳам ишга тушиш арафасида турипти. Ҳар куни "Қорасув" жамоа хўжалиги аҳолисидан харид қилинадиган сутлар Зангиота туманидаги сут қабул қилиш пунктига олиб бориб топширилмоқда. Бу йилги режаларимиз ҳам ёмон эмас. Яқин кунларда қаймоқ, пишлоқ, творог, қатиқ сингари маҳсулотларни ишлаб чиқариб, аҳолига сотамиз. 20 гектар ерга экилган лавлаги, маккажўхори ва бошқа экинларимиз ҳам мўл ҳосил бераман деб турипти. Бироқ улар қайси идора томонидан маълумотга киритилади? Биз буни билмаймиз. Юқори мутасадди ташкилотлар мана шу муаммони зудлик билан ҳал қилсалар, жуда яхши иш бўлар эди. Бу вилоятимиздаги барча фермерларнинг дилидаги гап деб ўйлайман.

**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Зангиота туманидаги "Қорасув" жамоа хўжалиги фермери.**

